Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 32 (7. 121) 1990 йил 8 февраль, пайшанба Баҳоси 3 тийин

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ «КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси ҳақида» ва «Литва Компартияси XX съезди қарорлари ҳақида» 1990 йил 7 февралда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қабул қилган қарорлар эълон қилинган.

⊙ СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари В. А. Медведев бошчилигидаги СССР Олий Советининг делегацияси расмий визит билан 7 февраль куни Москвадан Лондонга жўнаб кетди.



⊙ ИПАК ТОЛА ЯРАТУВЧИ. Тошкент тажриба ипакчилик фабрикасининг илғор ипилла тортувчиси Рихсинисо Нуралиева.

Т. Каримов сурати.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1990 йил 6 февраль куни КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини ва шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, И. В. Курчатов номидаги атом энергияси институтининг директори Е. П. Велихов, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Воротников, Тюмень областидаги «Нижневартовснефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси парткомининг секретари Ю. А. Ганьковский, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вяляс, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, КПСС Свердловск шаҳар комитетининг биринчи секретари В. Д. Кадочников, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. А. Ивашко, Иркутск областидаги Коршунов кон-бойитиш комбинатининг экскаватор машинисти А. П. Мясников, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ануфриев, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, «Советская культура» газетасининг бош муҳаррири А. А. Беляев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Министрлар Совети Озиқ-овқат ва харид ишлари давлат комиссиясининг раиси В. В. Никитин, Татаристон АССРдаги Кама кўп юк тортадиган автомобиллар ишлаб чиқариш бирлашмаси парткомининг секретари В. А. Вилегжанин, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян, КПСС Курск область комитетининг биринчи секретари А. И. Селезнёв, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков, Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари С. Д. Ниетуллаев, тармоқлараро «Кўз микрохирургияси» илмий техника комплексининг бош директори С. Н. Фёдоров, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Калинин область комитетининг биринчи секретари Н. Ф. Татарчук, СССР Фанлар академияси Ижтисодиёт бўлимининг академик секретари вазифасини ижро этувчи С. С. Шаталин, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Г. Гумбаридзе, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Крючков сўзга чиқдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети Пленумида 1990 йил 7 февраль куни КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини ва шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Пленум таҳрир комиссиясининг таклифларини ҳар томонлама кўриб чиққанидан сўнг олинган мулоҳазалар ва бўлиб ўтган муҳокамани ҳисобга олиб, пухта ишлаб чиқилган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини (матбуотда эълон қилинади) маъқуллади ва шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленумда Литва Компартияси XX съезди қарорлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Шу масала бўйича КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев сўзга чиқди.

Пленум мазкур масала юзасидан қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Пленумда якунловчи нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугаллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Идеология комиссиясида

Фарғонада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссиясининг сайёр мажлиси бўлди. Мажлисда область партия комитетларининг идеология ишлари билан шуғулланувчи секретарлари, шунингдек Фарғона областидаги шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари иштирок этдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

Мажлисда Тошкент шаҳар партия комитетининг норасмий ташаббускор бирлашмалар аъзолари билан олиб борайтган амалий иши муҳокама қилинди. Ўзбекистон пойтахтининг шаҳар партия ташкилоти ўзининг гражданларнинг ташаббускор бирлашмалари билан олиб борадиган ишида жамоатчиликнинг барча соғлом кучларини бирлаштиришга асосланаётганлигини айтиб ўтилди. Кўпгина норасмий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари билан бевосита алоқа йўлга қўйилди. Партия, совет, комсомол фаоллари аҳолининг турли ижтимоий группалари билан якка тартибда ва оммавий тушунтириш ишлари олиб боришга сафарбар этилди. Норасмий ташкилотлар билан иш олиб борувчи тарғиботчи ва сиёсий группалар ташкил этилди. Идеология фаолларининг кучгайратларини мувофиқлаштириш, бошланғич партия ташкилотларига ёрдам бериш учун бир қанча структуравий бўлинмалар: студентлар шаҳарчасини ижтимоий рағбатлантириш масалалари билан шуғулланувчи мувофиқлаштирувчи кенгаш, студентлар ва ишчилар ётоқхоналарида иш олиб борадиган район кенгашлари ва шу сингарилар тузилди.

Буларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳридаги ижтимоий-сиёсий вазиятни маълум даражада барқарорлаштириш, маънавий-психологик муҳитни соғломлаштириш учун шарт-шароит яратиш имконини берди.

Бирок, дейишди комиссия аъзолари, шаҳар партия комитети ишида анчагина камчилик ва нуқсонлар бор. Партия фаолларининг ҳаммаси ҳам норасмий ташкилотлар вакиллари билан олиб борладиган ишларда ташаббус кўрсатаяпти, деб бўлмайди. Бу ишда жамоат ташкилотлари: хотин-қизлар кенгашлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари, байналмилалчи жангчилар комитетларидан самарали фойдаланилмаяпти. Шаҳар партия комитети рухсат берилмаган митингларни ўтказилишининг олдини олиш пайтидагина энг кўп даражада фаоллик кўрсатишдан иборат ярокисиз практика ҳамон кўзга ташланмоқда.

Комиссия мажлисида Тошкент шаҳар партия ташкилотининг иш тажрибаси ўрганилганлигини ҳисобга олиб, республика партия комитетларига норасмий ташаббускор ташкилотлар билан олиб бориладиган ишларни такомиллаштиришга оид бир қанча тавсиялар берилди. Идеология ходимларининг ана шундай ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини яхшилаш муҳимлиги таъкидланди. Бу борада норасмий бирлашмаларнинг раҳбарлари билан учрашувлардан тортиб шаҳар партия ва комсомол комитетлари, «Билим» жамиятлари, маданият уйлари ҳузурида, корхоналарда мунозара клублари ташкил этишга қадар турли иш шаклларидан фойдаланиш зарур.

Мажлисда, шунингдек Ўзбекистон халқларининг «Мерос» тарихий ва маданий бойликларини ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилиш программаси муҳокама қилинди ва мазъқулланди, бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартиясининг 1990—1995 йилларга мўлжалланган идеология ишлари концепцияси лойиҳаси дастлабки тартибда муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

И. А. КАРИМОВ нутқи

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Ҳурматли ўртоқлар! Ўзбекистон коммунистларининг, меҳнаткашларининг аксарият кўпчилиги фикрини ҳозир бир хил таърифлаш мумкин: биз ССР Иттифоқининг ҳар бир республика ўзининг чинакам суверенитети ва мустақиллигига эга бўлган янгиланган федерациясига тарафдоримиз. Биз КПССни янгилашнинг ташкилий ва ғоявий бирлиги тарафдоримиз, КПССни ўзгартиришнинг характери Михаил Сергеевич Горбачевнинг партия XXVIII съездига КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастури лойиҳаси ҳақидаги докладида кўрсатиб берилган.

Ҳозирги пайтда КПСС ҳақиқатан ҳам кўпмиллатли мамлакатимиз миқёсида жипслаштирувчи роль ўйнаётган реал сиёсий кучдир. Шу билан бирга сўнгги ойлардаги фавқулодда вазиятлар агар биз воқеалардан олдинда бормасак, жойлардаги партия ташкилотлари етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилмасалар, у ҳолда қонда тариқасида бу муаммоларни бошқалар ҳал қилишга киришишларини яққол кўрсатди, бу эса, ўз навбатида олдиндан билиб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Қандай муаммолар тўғрисида гап бормоқда, ўртоқлар? Гап аввало, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол ҳақида, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар ҳар бир кишининг, оиланинг ва бутун аҳолининг кайфиятини белгилаб берадиган ҳаётий муҳим эҳтиёжларни қондириш тўғрисида бормоқда. Мамлакатимиз халқлари ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами туфайли Ўзбекистонда катта ишлаб чиқариш потенциали барпо этилган. Лекин унитар давлат тузуми ўтказиб келган маъмурий-буйруқбозлик сиёсати шунга олиб келдики, ҳозирги вақтда бизнинг иқтисодиётимиз бир томонлама, хом ашё етиштиришга қаратилган бўлиб, у аҳоли эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилмаган. Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан ошмайди, шу билан бир вақтда биз чакана савдода сотаётган тайёр молларнинг ярмидан кўпроғи республиканинг ташқарисидан келтирилмоқда. Танлашга вақт ҳам бўлмаган уруш ва ундан кейинги йилларда эмас, балки сўнгги ўн йилликларда Ўрта Осиёда бутун ҳаёт мужассам бўлган чекланган воҳаларда ўйламай-нетмай ўнлаб экология жиҳатидан заарли химия корхоналари жойлаштирилди, улар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг катта қисми ҳозир хом ашё сифатида республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилмоқда, бу корхоналар ҳаво, ер ва сувни заҳарлашдан бошқа аҳолига ҳеч нарса бераётгани йўқ.

Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 80-90 фоизи ҳеч қандай қайта ишловсиз олиб чиқиб кетилаётганини нормал ҳол деб бўлмайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда пахтачиликка ихтисослаштириш тўғрисида кўп гапирилди. Бу, ўртоқлар, республиканинг инжиқлиги эмас, балки Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотида республикага ажратилган ўрин ва роль ана шундай. Ўз вақтида республика олдига мамлакат пахта мустақиллигини таъминлашдек муҳим сиёсий-иқтисодий вазифа қўйилган эди. Бу вазифа, ўртоқлар, ҳал қилинган эди, айтмоқчи, мамлакатда дон етиштиришда ҳам, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштиришда ҳам бундай мустақилликка эриша олмаяпмиз. Натижада республика фақат чорвачилик маҳсулотларини эмас, ҳатто мева-сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилиш жиҳатидан, қишлоқларнинг ижтимоий ривожлантирилиши жиҳатидан мамлакатдаги энг охирги ўринлардан бирига тушиб қолди.

Ҳозир, ўртоқлар, очиғини айтиш керак, фақат сўнгги вақтдагина марказий идораларда ва ҳукумат идораларида республикага хом ашё базаси сифатида эскича ёндашув қолипларини бузиб ташлаш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Шуни гасдиқлаган ҳолда КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастурининг «Янги федерация сари» ўзидаёқ ҳар бир иттифоқдош республиканинг мамлакат халқ хўжалиги комплексида ўз ўрни бор, деган принципиал қоида олға сурилмоқда. Эндиликда ҳар бир республика ўз тараққиётини мустақил белгилайди. Биз бу принципни, ўртоқлар, чин қалбимиздан табриклаймиз. Бироқ бу принципни амалда рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилмас экан, у қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Ҳозир биз ўзини ўзи пул билан таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш тўғрисида гапираётганимизда республиканинг ҳозирги аҳволи, унинг ижтимоий-иқтисодий базаси аслида ҳисобга олинмаяпти. Республиканинг ижтимоий-иқтисодий базаси шундайки, бизда ходимларнинг ўртача иш ҳақи мамлакатдаги ўртача даражадан тахминан тўртдан бир баравар, аҳоли жон бошига даромадлар эса деярли икки баравар камдир. Аҳолининг 45 фоиздан кўпроғи деярли қашшоқликда яшамоқда. Кўп марта айтиб ўтилганидек, ижтимоий соҳа ҳаёт таъминотининг барча асосий кўрсаткичлари жиҳатидан Ўзбекистон унча юқори бўлмаган Иттифоқ ўртача кўрсаткичларидан анча орқада қолмоқда. Одамлар ўз эҳтиёжларининг қондирилишига қолдиқ принципи билан ёндашишга қачонгача тоқат қила оладилар? Ахир, ҳеч бўлмаганда энг кам даромаднинг қандайдир норматив мезони бўлиши керак. Ҳозир янгиланаётган федерация шароитида республикалардан бири аҳоли турмуши даражаси жиҳатидан бошқа регионларга нисбатан икки баравар орқада қолишига йўл қўйиб бўладими, ахир? Шу муносабат билан дастурда ижтимоий сиёсат, аҳоли турли табақалари ижтимоий ҳимоясининг таъминлаш масалаларига алоҳида эътиборни шубҳасиз қўллаб-қувватласа арзийди.

Аёлларнинг аҳволи, айниқса, кўп болали оналарнинг аҳволи, болаликни ҳимоя қилиш, пенсионерларни, ногиронларни ижтимоий таъминланиш, ёшларимизни ҳар томонлама камол топдириш учун реал имкониятлар каби қийин муаммоларни ҳал этиш бизни, айниқса, ҳаяжонга солмоқда. Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида биз айни шу масалаларга асосий эътиборни қаратдик ва ҳозирнинг ўзидаёқ кўзда тутилган тадбирларни бажариш юзасидан дастлабки амалий чораларни кўрдик.

КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастурида иннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланади. Бу муаммо биз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Очиғини айтиш керак, ҳозир Ўзбекистонда биз шундай бир пайтга келдикки, одамларни иш жойи билан таъминлаш масаласини тағин катта фойда берадиган асосий экин — пахтага ҳақ тўлашни қайта кўриб чиқиш юқоридаги масала билан бевосита боғлиқ. Лекин афсуски, пахтага тўланаётган ҳақ уни етиштириш учун сарфланаётган ҳаражатларни қоплаяпти.

Бизнингча, ер ва унинг қаъридаги бойликларга мулкчилик билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишга янада кенгроқ маънода яна бир бор қайтиш керак. Бизнинг фикримизча, ҳаракат дастури лойиҳасида соддалаштириб берилган таъриф федерацияни янгилаш моҳияти ва руҳига мос келмайди, табиат бойликларидан холисона фойдаланишга ёрдам бермайди.

Ўртоқлар, ҳозир тўла асос билан айтиш мумкинки, ҳаракат дастури лойиҳасида иттифоқдош республикалар Компартияларининг мустақиллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган йўл тўғри белгиланган. Иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари КПСС Программаси ва Уставига амал қилиш билан бир вақтда ўз программ ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ташкилий, кадрлар ва молия муаммоларини мустақил ҳал қилиш имкониятига эга бўлиши, бутун партиямиз турмушига доир принципиал масалаларни ҳал қилишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Шу муносабат билан КПССнинг раҳбар органларини тузишга тааллуқли таклифларни ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга ҳозир ижтимоий жараёнлар жўшқин ривожланаётганлигини, турмуш тез янгиланиб бораётганлигини, бизнинг ташкилий структурамиз эса ҳамиша ҳам воқеалар билан баробар бормаётганлигини таъкидлаб ўтишни истайман. Айтайлик, ҳозир КПСС Марказий Комитети аъзолари орасида республика партия ташкилотлари билан алоқаси аллақачон узилиб қолган кишиларни ҳисобга олмасак, фақат бир вакил бор. Иттифоқ ҳукумати таркибида ҳам 20 миллион киши яшайдиган республиканинг вакили йўқ. Бизнингча, бу соҳада масалалар мавжуд ва бу масалаларни ҳал қилиш керак.

КПСС марказий органларида барча иттифоқдош республикалар Компартияларининг вакиллари, албатта, тенг шароитда қатнашиши таъминланиши керак.

Ўртоқлар! Республика партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари партияда ва умуман мамлакатимизда юз бераётган мураккаб, қийин вазиятдан зўр ташвишга тушиб, айни вақтда бир масалада яқдилдирлар: партия учун федерациямизни янгилаш ва КПССдаги қайта қуриш билан боғлиқ барча принципиал масалалар юзасидан аниқ, қатъий позиция ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Афсуски, ҳаракат дастурида қайта қуриш ва демократия шиорларини ниқоб қилиб олиб, кундалик ишдаги қийинчиликлардан ва муаммолардан фойдаланиб, ҳозир вазиятни беқарор қилаётган, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш учун мувозий ташкилий ва бошқа структураларни тузаётган кишиларга нисбатан аниқ позиция белгилаб берилмаган. Коммунистик партияни тақиқлаб қўйишга даъватлар эшитилмоқда. Бизнинг бу хусусдаги фикримиз шундайки — Марказий Комитетимиз барча ана шу принципиал масалалар юзасидан ўз фикрини айтиши керак.

Ҳаракат дастури лойиҳасида айтилганидек, ижтимоий-сиёсий тузилмаларнинг ҳуқуқий-конституцион нормаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тезлаштириш зарур.

Бу ерда эътиборингизни яна бир масалага қаратишни зарур, деб ҳисоблайман. КПСС идора этувчи сиёсий куч сифатида бундан буён ҳам мамлакатимиздаги ишларнинг аҳволи учун масъул бўлаверади. Мамлакатимизда ҳозирча шунга ўхшаш бошқа сиёсий куч йўқ. Бу хусусда бизнинг фикримиз бир хил. Шу сабабли шуни аниқ-равшан тушуниб олиш керакки, агар партия кадрлар сиёсатининг асосий дастагини қўлдан чиқариб юборса, ўзининг қайта қуриш ташаббускори вазифасини бажара олмайди.

Шу муносабат билан бундай савол туғилади: ҳаракат дастурида партиядан чиқиш ҳеч қандай сиёсий оқибатга олиб бормайди, деган қоидани тантанали баён қилиш зарурмикан?

Ўртоқлар, бизнинг Ўзбекистонда партия тақдири учун тушкунлик туйғуси йўқ. Ўзбекистонда барча соғлом кучларни партия теварагида жипслаштириш ва бирлаштириш хусусида олиб борилаётган ишлар, куч-ғайратларни одамларнинг ҳаёт таъминотини яхшилашнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратиш, интизом ва масъулиятни мустаҳкамлаш билан бир вақтда партия ички турмушини кенг демократиялаш жамиятимизда қайта қуришнинг етакчи кучи бўлган Компартиянинг роли ва аҳамиятини оширишга қатъий ишонамиз.

Бу ерда Михаил Сергеевич Горбачев КПСС XXVIII съездини ўтказиш муддатларини яқинлаштириш тўғрисида айтган таклифига қўшиламиз.

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

⊙ **Ҳозирги кунда пойтахтимизнинг барча сайлов участкаларида, тарғибот марказларида, маҳаллаларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан учрашувлар, қизиқарли лекция ҳамда суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказилаяпти.**

Яқинда Киров районидаги «Бодомзор» маҳалласи тон ССР халқ депутатлиги клубида 15-«Ўзбексельмаш» сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод — «Физика—Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори Рамизулла Мўминов билан учрашув бўлиб ўтди.

Номзоднинг ишончли вакили — Ўрта Осиё медицина педиатрия институти доценти Неъматулла Шокиров сайловчиларни Рамизулла Мўминовнинг ҳаёт фаолияти билан таништирди. Шундан сўнг номзод йиғилганларга ўз ҳаракат дастурини баён этди. Учрашувда унга маҳалла ободончилиги, Бўзсув каналининг тозалигини изга солиш, турмуш фаровонлиги, экология масалаларига оид турли хил наказлар берилди. Номзод агар депутат этиб сайлангудек бўлса сайловчилар томонидан берилган муаммоли масалаларни ижобий ҳал этиш учун бутун куч, билим ва тажрибасини аямаслигини айтди.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

* * *

⊙ Ҳамза районидаги «Янгиобод» кинотеатрида ҳам сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар билан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Учрашувни район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Неъматжон Ҳасанов очди. Сўзга чиққан Абжабор Сатторов, район халқ таълими бўлими мудири Асомиддин Зиямуҳаммедовлар сайловчилар номидан аҳолининг талаб ва истакларини билдирдилар.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод, Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Фазлиддин Нажмитдинов депутатликка номзодлар номидан сўзга чиқди.

Қ. ТЎЛАБОЕВ.



Ўзбекистонда Навоийхонлик кунлари

Умри қуёш даҳо

⊙ **ЭРТАГА** ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири, давлат арбоби, ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси Алишер Навоий таваллуд топган кунга 549 йил тўлади. Жумҳуриятимиз партия ва ҳукуматининг қарори билан буюк алломанинг 550 йиллик катта тўйига тараддуд қизғин олиб борилмоқда. Бу шодиёна нафақат мамлакатимизда, Эрон, Афғонистон, Туркия ва кўпгина Шарқ давлатларида ҳам нишонланади. Зеро, бобокалон шоиримизнинг ақл-заковат ва тафаккур эзгуси барча эл-юртлар учун табаррукдир.

⊙ **КЕЧА Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат адабиёт музейида** Навоийхонлик кунлари бошланди. Бундай адабий анжуманлар олий ўқув юртларида, мактабларда, илмий муассаса ва маҳаллаларда давом этади.

⊙ **БУГУН В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунида** аллома шоирнинг туғилган кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

⊙ **ЭРТАГА—9 февраль эрталаб соат ўнда** Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институти олдида қадимий урф-одатларимизга бағишланган тадбир ўтказилади.

⊙ **ЖУМҲУРИЯТ ёзувчилар уюшмасида** шу кун «Ғазал оқшомида» кечаси ўтказилади. Унда таниқли шоирлар, ёзувчилар ва олимлар иштирок этишади. Севимли санъаткорлар ижросида Навоий ғазаллари янграйди.

⊙ **ҚЎЛЁЗМАЛАР институтида** эса шоир ижодига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтади.

⊙ **САККИЗИНЧИ ва тўққизинчи февраль кунларн** Навоий шаҳрида ҳам Навоийхонлик кунлари ўтказилади.

⊙ **[Алишер Навоийнинг 549 йиллигига бағишланган махсус саҳифа мақолаларини газетанинг 3-бетида ўқийсиз].**

Касаба уюшмалари ҳаётидан

ХАЙРЛИ СИЛЖИШЛАР

⊙ Шу йил январь ойидан бошлаб 2-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг парҳез таомлар ошхонасида овқатланадиганлар сони 63 кишига етди. Саломатлигини сақлаш учун парҳез таом тановул қиладиган ишчи-хизматчиларнинг овқатланиши учун кетадиган харажатнинг 70 фоизини бирлашма касаба уюшмаси ҳисобидан тўланади.

— Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, умуман бирлашманинг фаолияти ишчи-хизматчиларга боғлиқ, — деди касаба уюшмаси раиси Толиб Жўраев. — Шунинг учун ҳам ишчи омилини бош масала қилиб олганмиз. Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда бош корхонанинг ётоқхонасидаги аҳвол масаласи кўрилди. У ерда 400 дан ортиқ ётоқхона тўлиқ капитал ремонтдан чиқарилади. Мавжуд душхонани кенгайтириб, бир йўла 15 киши бемалол ювинадиган қилиб қайта созланяпти. Ишчилар учун сауна-ҳаммом қуряпмиз.

Инсоф билан айтганда, касаба уюшмасининг фаолиятида анча хайрли силжишлар бўляпти. Яқин йилларгача ишчилар ошхонадан шикоят қилишарди. Касаба уюшмаси ишчи ошхонасида қатъий назорат ўрнатди. Вақти-вақти билан овқатлар сифати, масаллиқлар ҳажми, ошхонанинг санитария ҳолати бирлашма ягона назорат комитети билан биргаликда текшириб турилади. Ишчиларнинг сут ва сут маҳсулотлари бўйича талаблари ҳам қондирилди. Ҳар куни сут, қаймоқ, парҳез сузма ва бошқа маҳсулотлар савдоси уюштирилади.

— Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ишчилар тиш даволайдиган тиббиёт пунктининг ишидан мутлақо қониқмаётганликларини айтдилар, — дейди Т. Жўраев. — Биз табобат министрлигининг қатнаб даволайдиган муассасаси билан шартнома туздик. Бош корхонада бир хона ажратилиб, керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозладик. Поликлиникадан врач келиб кун ора ишлайди. Унга тўланадиган маош бирлашма ҳисобида бўлади.

Касаба уюшмаси ташаббуси билан яна бир хайрли иш қилинди. Кўп болали ишчиларнинг биринчи синфга ўқишга борадиган фарзандига мактаб формаси, ўқув қуроллари сотиб олиш учун 50 сўмдан пул бериладиган бўлди. Албатта, бу тадбир кўп болали оилаларнинг фарзандларга қиладиган сарф-харажатининг бир қисмини қоплайди.

Ёш оилаларнинг ўзига яраша сарф-харажати бўлади. Кимдир янги уй солади, квартирага кўчади, ёки қимматбаҳо буюм сотиб олади. Ана шуни ҳисобга олиб корхонада ишлаётган 30 ёшгача бўлган ёш оилаларга бир ярим минг сўм миқдорда бадалсиз қарз бериш йўлга қўйилди. Бу пулни ишчилар 8 йил давомида тўлашлари мумкин.

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган ишлардан, хайрли силжишлардан кўпчилик мамнун.

С. ШАМСИДДИНОВ.

«Ёш ленинчи» рўзномаси—65 ёшда

ЁШЛАР КЎЗГУСИ

⊙ Бугун республикамиз матбуотининг жанговар нашрларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси органи — «Ёш ленинчи» газетасининг биринчи сони чоп этилганига 65 йил тўлди.

Ёшлар рўзномаси 1925 йилнинг 8 февраль куни «Қизил Ўзбекистон» газетасига илова тариқасида ёруғлик юзини кўрган эди. Ўша сонда Ўзбекистон коммунистик ёшлар иттифоқи ташкилий бюросининг раиси В. Глазковнинг табриги, ёш шоир Ботунинг шеъри ҳамда жойлардан олинган бир неча хабарлар ўрин олган эди. Газетанинг дастлабки сонларига ўзбек журналистикасининг асосчиларидан бири Бонс Қориев муҳаррирлик қилган. Ўзбекистон комсомолларининг биринчи қурултойида ёшлар рўзномасини алоҳида чоп этишга келишилди. Шундан сўнг 1925 йил 23 апрелда жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси ёшлар газетасини чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилди ва унга «Ёш ленинчи» номи берилиб, Анқабой Худойбахтиев муҳаррир этиб тайинланди.

Ўтган йиллар газета коллективи ва унинг кўпсонли муштарийлари учун беиз кетган эмас. Мураккаб коллективлаштириш йилларида ёшлар матбуоти қишлоқда рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар, саводсизликни тугатиш, хотин-қизлар озодлиги мавзуларини ўз саҳифаларида изчиллик билан ёритиб борди. Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатимиз ҳаётида ёшлар тутган ўрин рўзнома саҳифаларида ўз ифодасини топди. Сталин давридаги қатағон йиллар газетанинг бир қатор тажрибали журналистларидан маҳрум этди. Унга бир неча йил муҳаррирлик қилган Исо Шарофхўжаев ва Карим Ғайбуллаевлар «халқ душмани» деб эълон қилиниб, ноҳақлик қурбони бўлишди.

Улуғ Ватан уруши йилларида газета ўз фаолиятини маълум муддатга тўхтатишга мажбур бўлди. Унинг забардаст журналистлари қўлларига қурол олиб, Ватан ҳимоясига отланишди. Урушдан сўнг ғалаба билан қайтган совет ёшлари ўзларининг рўзномаларини яна қайта чиқарилишига муваффақ бўлишди. Ана шу кезларда газета саҳифаларида ҳаётимизда рўй бераётган энг муҳим воқеалар мунтазам ёритиб борилди. Йигит ва қизларнинг ташаббусларига эътибор берилиб, уларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш масалалари газета саҳифаларидан ўз аксини топди.

Газетада ўтган йиллар мобайнида ўзбек матбуотининг равнақи учун муносиб ҳисса қўшган юзлаб ҳозиржавоб ижодкорлар меҳнат қилишган. Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Акмал Пўлат, Султон Жўра, Асқад Мухтор, Рамз Бобожонлар ўзларининг энг яхши асарларини илк бор шу ерда чоп этишган. Шунингдек, Холбек Едгоров, Тўлаган Соатов, Расул Муҳаммадиев, Тўлқин Рустамов, Аҳмад Исмоилов, Яҳё Йўлдошев, Санжар Тилла, Тўғон Эрназаров, Сотиболди Йўлдошев, Ғани Жаҳонгиров, Абдулазиз Ваҳобов сингари таниқли журналистлар газета билан ҳамоҳанг бўлишиб, муштарийларга ўқишли ва долзарб мавзудаги мақолалар тақдим этишган. Узоқ йиллар газетада самарали меҳнат қилган ва унинг ўқимишлилигини таъминлаган юзлаб тажрибали журналистлар бугунги кунда партия матбуоти нашрларида, турли хил раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатишмоқда. Аммо улар бир дақиқа ҳам «Ёш ленинчи» билан алоқани узишгани йўқ. Газета ижодкорларининг ютуғи, уларнинг муваффақияти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда газетада ўз чиқишлари билан муштарийларимиз эътиборига тушадиган бир қатор тажрибали журналистлар меҳнат қилишади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходимлари — бўлим мудирлари Карим Раҳимов, Муқаддас Абдусаматова, жумҳурият Журналистлар уюшмаси мукофотининг лауреати Сафар Остоновларнинг ҳар бир чиқишини газетхонлар интизорлик билан кутишади. Шунингдек, коллективда ўзининг дастлабки ижодий муваффақияти билан кўзга кўринган Сувонқул Рустамов, Амирқул Каримов, Гулчеҳра Алибоева, Тўлқин Ҳайитов, Ҳайдар Акбаров сингари ёш ижодкорлари доимо изланишда. Уларнинг ўқувчиларга манзур бўладиган чиқишлари ҳали олдинда.

Кейинги йилларда жойларда «Ёш ленинчи» кунларини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Ўтган йили рўзнома байрамлари Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилди. Уларда журналистлар ўз ўқувчилари билан учрашдилар. Қаламкашларнинг «Ижодкор» футбол командаси маҳаллий спортчилар билан куч синашишди, таниқли санъаткорлар ўз куй ва қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Газета ўзининг байналминаллик бурчига ҳар доим содиқ қолмоқда. Ўтган йилларда у қардош жумҳурият ёшлар газеталари билан қўшма сонлар чиқарди. Мазкур ҳамкорлик давомида халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш масалалари олға сурилди. «Ёш ленинчи» ҳамда Афғонистон ёшларининг «Дарафше жавонон» газеталари ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномаси икки халқнинг дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши табиийдир. Ўтган йил январь ойида газета коллективи яна бир ташаббус билан чиқди. Ҳар ойнинг охирида «Комсомольская правда» газетаси саҳифаларида чоп этилган энг яхши мақолалар танланиб, уни ўзбек газетхонларига етказиб бериш йўлга қўйилди. Бу ташаббус газетхонларимизга маъқул тушганини муштарийлардан олаётган хатлар мазмуни ҳам кўрсатиб турибди. Улар бу ҳамкорликни давом эттиришни илтимос қилишмоқда.

Кейинги вақтда газетанинг ўқувчилари сони тубдан ошиб бормоқда. Бугунги кунда «Ёш ленинчи»нинг 510000 га яқин муштарийси бор. Газетхонлар билан очиқчасига мулоқот қилиш коллектив аъзоларининг муқаддас бурчи бўлиб қолган. Бугунги кунда газета саҳифаларида «Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари», «Нуқтаи назар», «Бизни ўйлантираётган муаммолар», «Биринчи саҳифага мактуб», «Ахлоқ мавзуида», «Бир рубобнинг икки тори» каби ўнлаб ойна сўзлар остида эълон қилинаётган мақолалар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Газетхонлардан олинаётган хатлар мазмуни кунлик ҳаракатимизнинг бош дастури бўлиб қолмоқда. Ўтган йили газетхонлардан олинган 6400 дан ортиқ хат-хабарлар фикримизнинг далилидир. Газетхоннинг ҳар бир мактуби бизнинг диққат-марказимиздадир.

Ёшлар кўзгуси — «Ёш ленинчи» ўзининг 65 ёшини қайта қуришнинг энг мураккаб палласида нишонламоқда. Шак-шубҳа йўққи, газета журналистлари бундан кейин ҳам ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этишиб, муштарийларга манзур бўладиган мақолалар ёзишга ҳаракат қилишади.

И. УСМОНОВ,
«Ёш ленинчи» газетасининг бўлим мудири.

⊙ ГАЗЕТАНИНГ НАВБАТДАГИ СОНИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?
«Ёш ленинчи»нинг бир гуруҳ ижодий ходимлари қизғин мунозара жараёнида.
Е. Ботиров сурати.



⊙ ШИРИНПАЗ. «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикасининг илғор ишчиси М. Дўстова.

Р. Шарипов сурати.

Атроф-муҳит мусаффо бўлсин

ЯНГИЛИК СИНОВДАН ЎТМОҚДА

⊙ Ҳаётимизни бир зум автомобилсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қанчадан-қанча йўловчилар узоғини яқин қилишдан ташқари уларнинг халқ хўжалиги юкларини элтишдаги аҳамиятни беқиёс. Автомобилларни такомиллаштириб бориш эса конструктор ва лойиҳачилар, технолог ва ишчиларнинг олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги қошида «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси бошлиғи, техника фанлари номзоди Эркин Асатович Асатов мухбиримиз билан суҳбатда ана шулар ҳақида сўзлаб берди.

— Эшитишимизча, Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг бронза медали билан тақдирланибсиз, уни нима учун беришган?

— Аввало шуни айтиш керакки, ташкилотимиз бўйича Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг 12 та кумуш ва бронза медалларини олдик. Бу биз учун катта мукофот, камтарона меҳнатимизга берилган юксак баҳо деб ўйлайман. Кўргазманинг бронза медалини газ баллонли автобусларнинг лойиҳасини ишлаб чиққанлигим, тўғриси, уларни бензиндан газга қайта жиҳозлаш йўлини излаб топганим учун беришди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб қўя қолай. Ана шу кўргазманинг II даражали дипломи билан ташкилотимиз шу пайтгача икки марта тақдирланган.

— Шаҳримизда, қолаверса, бутун республикамизда бензин билан юрадиган машиналарнинг ҳавони ифлослантирувчи газ чиқараётгани, бу эса экологияга жиддий хавф солаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Айтингчи, сиз бошқараётган коллектив аъзоларининг бу ишга қўшаётган ҳиссаси қандай бўляпти? Ўзингизни бу борада нималар ташвишга соляпти?

— Очиғини айтадиган бўлсам, автомобилларни суюқ ёқилғидан газ билан ишлашга ўтказиш ҳаракати жуда суст боряпти. Ҳозирча газ билан ишлашга ўтказилган машиналар ниҳоятда кам.

Бизнинг конструкторлик-технологик бюромиз конструкторлари худди шу жараённи механизациялашга ёрдам берадиган янги пунктни, яъни газ баллонларини комплекс синовчи пунктни ишлаб чиқдилар. Ҳозир бу янгилик олтита шаҳарда жорий этилди. Улардан бири эса Тошкент шаҳрида ишлаб турибди. Янги пункт яроқли газ баллонларини тортиб кўради, уни сув билан тўлдириб, ҳажмини белгилайди. Агар ҳажми нормага мос бўлмаса, баллон бракка чиқарилади. Хуллас бу ерда шундай аниқ пухта технология йўлга қўйилганки, у газ баллонлари сифатини анча ошириш, меҳнат унумдорлигини икки ҳисса кўтариш имконини беради: ҳар сменада аввалгидек 10 та эмас, эндиликда 22 баллонни синовдан ўтказиш мумкин. Бу пунктда газ баллонларини синаш учун механизациялашган поток линия ишлаб турибди. Шунингдек бу ерда газ баллонларини ўлчаш (тортиш)дан тортиб то ички қисмларини қўздан кечириш, гидравлик усулда синаш, қуритиш, пневматик синаш, бўяш ва бошқа барча жараёнларни амалга ошириш мумкин. Бу янгиликни яратишда инженерлардан С. Лепа, М. Юнусовлар билан биргаликда иш олиб бордик. Изланиш ва саъй-ҳаракатимиз зое кетмаганидан мамнунмиз.

— Ҳозир газ баллонли автомашиналаргина эмас, автопоездлар ҳам пайдо бўлди. Бунда ҳам коллектив ҳиссаси борми?

— Ҳа, бу гал инженерларимиздан М. Мирсоатов, С. Лепа билан бирга иш олиб бордик. Кейинги уч йилда автомобилларни сиқилган газ билан ишлашга ўтказиш билан машғул бўлдик. Натижа чакки бўлмади. Уч мингга яқин автомобилда ана шундай янгилик жорий этилди. Корхоналарнинг автомобиллари сиқилган газ билан ишлашга мослаштирилди.

Мутахассисларимиз пахта ташийдиган ярим прицепли КАЗларни, яъни автопоездларни газ ёқилғиси билан ишлашга ўтказишнинг технологиясини ишлаб чиқишди.

Тўғри, ҳозир министрликка қарашли корхоналарда газ баллонли, прицепли ЗИЛлардан ҳам фойдаланилмоқда. Аммо бу транспорт воситалари узлуксиз ишлашга қодир эмас. Масалан, бир смена давомида бу автопоездни икки марта ёқилғи билан тўлдириш (заправка қилиш) талаб этилади. Бу эса биринчидан газ билан тўлдириш станцияларида вақтни олади. Иккинчидан эса автопоездларнинг бўш юриш вақти кўп бўлади. Ана шу йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида конструкторларимиз шаҳардаги 2502-автоколонна мутахассислари билан биргаликда автопоезд прицепига қўшимча газ баллонлари қўйишни таклиф қилдилар. Натижада автопоезднинг фойдали йўл босиши салкам икки баравар ошди, ёқилғи билан тўлдириш учун кетадиган вақт эса анча қисқарди: прицепдаги баллонлардан сиқилган табиий газ автомобиль системасига махсус шланг ва қувур ўтказгич орқали узатилади. Масалан, пахта ташиш вақтида техника хавфсизлигига риоя қилиш мақсадида у махсус мослама билан жиҳозланади, яъни мабодо фалокат рўй бергудек бўлса, автоматик равишда газ узатиш тўхтайди, тезликда ҳавога учиб кетади.

— Умуман, машиналарни суюқ ёқилғидан газга ўтказиш автомобилсозликда ижобий ҳодиса. Аммо баъзи жойларда газ билан ишлаётган автомобиль ҳайдовчиларидан ҳам норозилик оҳанглари эшитилиб қоляпти, бунга нима дейсиз?

— Ўринли деб биламан. Чунки газ сифати кўнгилдагидек эмас, тўғрироғи, газ ишлаб чиқарувчи аппаратураларнинг сифати.

— У қаерда таъёрланади?

— Биз асосан Рязандаги газ ёқилғи аппаратуралари заводидан оламиз. Улар бу борада жиддий ўйлаб кўришлари керак.

— Бу янгиликни кенг ёйишга яна нималар тўғаноқ бўляпти?

— Ишлаб чиқариш-техника базасининг хароблиги. Гараж ва ностандарт ускуналар етишмайди. Чунончи республика бўйича 10 та авторемонт заводи бор. Шундан 2—3 таси ностандарт ускуналар ишлаб чиқаришга қайта жиҳозланиши керак. Акс ҳолда бу борада кенг қулоч ёйиш мушкул бўлади. Самарқандда бирлашмамизга қарашли завод бор. Тармоқнинг шундай ускуналарга бўлган талаб-эҳтиёжини биргина бу завод қандай қондира олсин, ахир?! Ҳозир умуман олганда бу борада конструкторлик ҳужжатлари шу қадар кўпайиб кетдики, корхонамизнинг уларни тўла ўзлаштиришга қуввати мутлақо етишмаяпти.

— Баъзан кўчаларда бензиндан чиқаётган тутунлар текширилганда шофёрлардан шундай гапларни эшитиб қоламиз: бензинимиз унча тоза эмас, нима қилайлик, ахир, дейишади. Бу қанчалик асосли?

— Бу гапда жон бор. Аввало кўпгина шофёрлар, парк хўжалиги раҳбарлари йўлга ўз машиналарини яхши созлаб чиқармайдилар. Оқибатда ундан чиқаётган газ (тутун) ҳавони ифлослантиряпти.

Буни инкор қилмаган ҳолда шуни ҳам айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам биз фойдаланаётган бензиннинг сифати яхши эмас. Агар Москва, Ленинград ва бошқа айрим катта шаҳарларни оладиган бўлсак, уларда тоза бензин ишлатилади. Буни биз илмий тилда этилланмаган деймиз. Афсуски Ўрта Осиё регионига ажратилаётган бензин сифати пастроқ.

— Шу кунларда яна қандай масалалар сизни қизиқтиряпти?

— Бизнинг регионимиз, ўзингиз биласиз, иссиқ жанубий ўлкалар ҳисобланади. Демак машиналаримиз ҳам шу иқлимимизга мосланган бўлиши керак. Масалан, биринчидан конденционер ўрнатилган бўлиши, кабинада шофёр учун мўътадил ҳаво бўлиши керак. Иккинчидан чангли-тупроқли дала йўлларида шунга яраша машина двигателларида тозалаш мосламаси бўлиши керак. Ҳозирча эса бундай мосламалар йўқ.

Яна бир масала — бизнинг ташкилотимиз маҳсулотларига умуман давлат буюртмалари берилмаяпти, ҳисоб. Фақат бир-иккита маҳсулотга берилган холос. Ҳолбуки бизда барча маҳсулотларга буюртмалар берилишини истардик. Сабаби шуки, агар бизга давлат буюртмалари берилса, шунга яраша ташкилотимизнинг техник таъминоти яхши бўларди, ҳозир эса таъминот жуда ёмон аҳволда. Қаранг, бизда 530 дан зиёд илмий ва техник ходимлар ишлашади. Бир йилнинг ўзида 800 минг сўмликка яқин иш бажарилади. Кўраяпсизки, иш ҳажми оз эмас. Агар моддий-техника таъминоти пухта йўлга қўйилса, жуда кўп хайрли ишларни амалга ошириш мумкин бўларди. Айниқса хўжалик ҳисобига ўтган бир шароитда.

— Қачондан мустақил хўжалик юритишга ўтдингиз?

— Бултурдан. Дастлаб хўжалик ҳисобининг биринчи моделида иш бошладик. Кейинчалик эса иккинчи моделига ўтдик.

— Афзалликги сезилдими?

— Ўзгариш бор. Меҳнат унумдорлиги ҳам, иш ҳақи ҳам 15 фоизга ошди. Негадир бизга биринчи моделда мустақиллик камроқдек туюлди. Яъни қандайдир қаттиқ доира ичида қолгандек ҳис этардик ўзимизни, унчалик эркин ҳис этмас эдик.

— Ҳозир-чи?

— Энди иш ҳақи фондидан ҳам, рағбатлантириш фондидан ҳам ўз эркимизча фойдаланяпмиз. Юқорида айтганимдек бунда фақат коллективимиз иш ҳақигина эмас, меҳнат унумининг ҳам ошиб боришига бизда қаноат ҳосил қиляпти.

Ҳозир ташкилотда 5 та бўлимимиз мустақил иш олиб боряпти. Шундан иккитаси лойиҳалаш, биттаси конструкторлик ва яна бири тажриба намуналарини ишлаб чиқариш — механика бўлимларидир. Ва ниҳоят ўлчов асбобларини таъмирлаш ва уларни назорат қилиш бўлими ҳам мавжуд.

Мирхолиқ Мирсоатов, Нурулла Тўхтамишев, Юрий Нестеров каби конструкторларимиз, Лола Раҳимова, Наталья Тиркова сингари лойиҳачиларимиз изланишлари айниқса яхши самара беряпти.

Янги йилдан бошлаб ташкилотимиз бутун бирлашма бўйича бунёдкорлик ишларининг бош лойиҳачиси қилиб белгиланди. Энди шак-шубҳасиз, бутун тармоқ эҳтиёжини тўла-тўкис таъминловчи лойиҳа ишларининг ҳажми ҳам ошади.

Ҳозир икки йўналишда иш олиб боряпмиз. Биринчиси, автотранспорт корхоналари учун ностандарт ускуналар яратиш. Иккинчиси, ишлаб чиқариш-техника базасини такомиллаштириш бўйича янги қурилишлар, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кенгайтириш бўйича лойиҳалар яратиш. Шу пайтгача тармоқ корхоналарида маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системаси ва стандартлаш ишларини марказлаштиришнинг базавий ташкилоти деб ҳисоблаб келган бўлсак, янги 1990 йилдан контейнерлар бўйича ҳам базавий ташкилот бўлдик. Яъни бу борада ҳам ўзимиз янгилик яратиб, ўзимиз тажриба синовидан ўтказаверамиз.

Суҳбатни Ҳ. ИКРОМОВ ёзиб олди.

Республика бўйлаб

⊙ ФАРҒОНА пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси нурашчиларга мўлжалланган 200 жуфт спорт пойабзалининг тажриба турнумини ишлаб чиқарди. Маҳаллий спортчилар уни юқори баҳоладилар: пойабзал қулай ва чиройли, сифатли чарм. дан тикилган, нархи ҳам қиммат эмас. Корхона бир қанча цехларини спортчилар учун пойабзални оммавий тарзда ишлаб чиқаришга мослаштиришни мўлжалламоқда.

⊙ ЖИЗЗАХДАГИ 2517-автоколонна ҳайдовчилари видеобар ва кинозал қурдилар. Уларни дам олиш кунлари, шанбаликларда жиҳозладилар. Аппаратлар ва қурилиш материалларини фойда ҳисобидан сотиб олдилар. Дам олиш марказлари аввал қурилиб битказилган сауна ва чойхона қаторидан жой олди.

⊙ НАМАНГАНДА Волжский автомобиль заводининг «Лада» фирма магазини очилди. Пештахталарга икки мингдан кўп номдаги эҳтиёт қисмлар қўйилган. Бу ерда заводда тайёрланган эҳтиёт қисмлардан ташқари кооператорлар ясаган таққил деталлар ҳам бор. Агар харидорга зарур товар бўлмаса, магазин ходимлари уни тайёрлашга буюртма қабул қилади. «Лада» тоавороборот плани йилига қарийб бир миллион сўмни ташкил этади.

⊙ ЖАМОАТ овқатланиш трести ташаббуси билан Қўқон шаҳар истироҳат боғида хайрия ошхоналарини очилди. Бу ерда 200 га яқин нам таъминланган пенсионер ҳар куни уч таомдан иборат бепул тушлик овқат олмоқда. Трест биринчи ярим йиллигида меҳр-мурувват тадбири учун қарийб 45 минг сўм пул ажратди. Шунга ўхшаш хайрия ошхоналарини шаҳарнинг бошқа районларида ҳам очиш мўлжалланмоқда. Уларга катта саноат корхоналари мутасаддилик қилишади.

⊙ ГАРАЖ-УСТАХОНА — Тошкент «Подъёмник» заводи ишлаб чиқарган янги маҳсулотдир. Гараж-устахонага гаражнинг ўзидан ташқари дастгоҳли иш столи, деворларга ва шифт остига ўрнатилган пештахталар, нийим жавони, хавфсизликни таъминловчи тагликлар киради. Бир йилда 200 та ана шундай гараж ишлаб чиқарилади. Агар талаб катта бўлса «Подъёмник» заводи бундай гаражлар ишлаб чиқаришни 2,5 баравар кўпайтириш ниятидадир.

(ЎзТАГ).

Шарҳчи сатрлари

ҚОРА ТАНЛИ АМЕРИКА, АҲВОЛИНГ ҚАНДАЙ?

Бугунги кунда «Қора танли Америкага» унинг ичкарисидан назар солсангиз аҳволи қандай экан? «Пэрейд» журнали ушбу саволга жавоб берар экан, кейинги чорак аср мобайнида қора танлиларнинг, ёки ҳозир Америка Қўшма Штатларида айтишаётганидек, африкалик америкаликларнинг аҳволи бироз ўзгарганлигини қайд этади.

Қўшма Штатларда 28,9 миллион негр аҳолиси яшайди ёки у умумий аҳолининг 12,1 фоизини ташкил қилади. Ўтган йили 8 минг нафарга яқин қора танли америкаликлар сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллашди — бу 1970 йилга нисбатан тўрт баравардан кўпроқдир. Ҳозир Америка Қўшма Штатларида 300 дан кўпроқ африкалик америкаликлар шаҳар ҳокимларидир. Улардан ўн киши аҳолиси 400 минг кишидан кам бўлмаган Америка шаҳарларини бошқаришмоқда. Жумладан, негрлар энг катта олтита шаҳарнинг бештаси: Нью-Йорк, Лос-Анжелес, Чикаго, Филадельфия ва Детройт шаҳарларига бошчилик қилишмоқда. Мамлакатнинг муҳим сиёсий марказларидан яна 11 тасида, бунга мамлакат пойтахти Вашингтон ва Атланта шаҳарлари ҳам киради, африкалик америкаликлар ҳокимлик қилишмоқда.

АҚШ конгресси вакиллар палатасида кейинги 20 йилда негрлар сони икки баравардан ортиқроқ кўпайди ва ҳозир 24 кишини ташкил этади. Сенатда эса бирорта ҳам африкалик америкалик йўқ. «Мамлакатимиз сиёсатида бирор ирққа мансублик қудратли ва биринчи даражали омил бўлиб қолмоқда, — деб ёзади шу муносабат билан «Пэрейд» журнали. — Бироқ биз фақат терисининг рангидан келиб чиқмаган ҳолда сайлаб қўйиладиган лавозимларга номзодларни танлаб секин-аста силжишга эришяпмиз». Чунончи, янги йилда Вашингтон билан қўшни Виржиния штатига губернатор қилиб сайланган Дуглас Уайлдер юқори лавозимни эгаллаган дастлабки африкалик америкалик бўлди.

Д. Уайлдер, деб уқтиради газета, Жесси Жексон сингари мамлакат сиёсий майдонида ўзини яхши кўрсата олган Американинг қора танли сиёсий раҳбарларининг биринчи қаторида туради. Маълумки, Жесси Жексон бундан бир неча вақт муқаддам Нью-Йорк ҳокими Дэвид Динкинс ва Пенсильвания штатидан вакиллар палатасининг аъзоси демократ Уильям Грей билан бир қаторда президент сайлови кампаниясида ўз номзоди учун кураш олиб борган эди.

Ҳа, жаҳонда шитоб билан бўлаётган ўзгаришлар асносида «Қора танли Америка» ҳам ўзгармоқда. Ўтган йилнинг август ойида АҚШ тарихида биринчи марта энг олий ҳарбий лавозим — штаб бошлиқлари комитети раиси лавозимига африкалик америкалик — тўрт юлдузли генерал Колий Пауэлл кўрсатилди. У президент Ж. Буш ҳамда мудофаа министри Р. Чейнинг энг яқин маслаҳатчиларидан биридир.

Ҳозир астронавтлар, жуда катта даромад келтирадиган улуғвор томошаларнинг юлдузлари, ёзувчилар, телепрограммаларни олиб борувчилар, ҳуқуқшунослар ҳамда йирик компаниялар менежерлари орасида африкалик америкаликларни учратиш мумкин. Лекин барибир тенгсизлик сақланиб қолмоқда, оқ танлиларнинг ўн фоизи ва негрларнинг 33 фоизи қашшоқликда яшамоқда. Ўтган йили оқ танлиларнинг 4,6 фоизи, қора танлиларнинг 11,6 фоизи ишсиз қолди. Америка Қўшма Штатлари оқ танли фуқаролари ўртача 75 йил, қора танлилар эса 69 йил умр кўради. Америкаликлар орасидан сайлашга ҳуқуқига эга бўлган қора танлиларнинг 11 фоизи сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллашга лозим бўлсада, бу кўрсаткич атиги 1,3 фоизни ташкил этади.

Владимир МАТЯШ.
(ТАСС мухбири).
Вашингтон.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 549 ЙИЛЛИГИГА



Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

„Ҳаёсиз одамга эрмак керак, ҳаёли эса — ишлаш билан от"

НАЗАРИМДА, жўшқин қалб эгаси, эстетик дид, чуқур мушоҳада, фалсафий тафаккур, маънавияти бой, ахлоқан пок, камтар ҳамда сўз дурдоналарининг заргари бўлган қалам соҳибигина умрбоқий асарлар ёзиб ўз ўқувчиларига тақдим этади. Бундайлар ўзларининг сермазмун ҳаёт йўллари-ю, асрлардан асрларга хабар берувчи бетакрор истеъдодлари билан ўз халқини оламга танитади, обрў-эътиборини баланд тоғ чўққиларига кўтаради.

Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп.

Ақл ва маъно тимсолининг нодир ифодаси — бу ажойиб сўзлар Алишер Навоийнинг ижод йўлини белгилади, халқимиз қалбига сўнмас нур бўлиб кирди, инсонларни ҳаёт бўстонидан гуллар теришга чақирди.

Улуғ Алишер Навоийнинг инсонларга қолдириб кетган маънавий хазинаси ҳақида гап кетгудек бўлса, ўзбек тилидаги шеърларини ўз ичига олган «Хазойин-ул-маоний» («Маънолар хазинаси») асари кўз олдимизга келади.

Даҳо шоир шеъриятида инсон борлиқнинг тожи деб баҳоланар экан, унинг ахлоқ-одоби, хулқ-атвори ҳам қалам соҳибининг назаридан четда қолмайди.

Эй кўнгил, ҳуру пари васфин эшиттим гўйиё,
Ҳеч қайси одамелигда эмас инсонча хўб.

Бебаҳо истеъдод соҳиби одамларнинг ахлоқ-одоби масалаларига бағишланган қатор асарларида комил инсонни тарғиб қилди. Комил инсон умрини зое ўтказмасдан, илм, касб-ҳунар эгаллаши лозим деб даъват қилди:

Комил эт касбким, олам уйиндин,
Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмоқ биайнихи
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Зукко шоир ахлоқ-одоб, хулқ-атвор ҳақида қалам тебратар экан, инсоний олижаноблик ва пасткашлик, эзгулик ва ёмонликни бир-бирига қарама-қаршн қўяди, яхшилик ёмонлик устидан, донолик пастлик устидан ғолиб деган хулосага келади. Шу маънода Навоий жамиятдаги кишиларни икки гуруҳга ажратади: улар — одобли, камтар, илм-маърифатни севувчи, халқ ва жамият учун хизмат қилувчи ҳамда ахлоқий бузуқ, молдунёга хирс қўйган, амалпараст кишилардир. Ана шу қарама-қаршн гуруҳларга муносабатда, уларни баҳолашда Навоийнинг қараши яққол сезилади. Шоир олижаноб ҳаётий кузатишлар, турли кишилар билан тўқнашув, муносабат ва муаммолар ана шундай таълимий, ахлоқий-одобий фазилатлар сатрларга ўтишида замин бўлди.

Давримиз — яхшилик ва эзгулик томон бурилиш, қайта қуриш, жадаллаштириш, жамият ҳаётини демократиялаш, янгиланиш ва покланиш давридир. Қайта қуриш жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси олдига улкан вазифалар, катта масъулият ва юксак бурч юклайди. Замонамизнинг кўзгуси сифатида адабиёт ўзида ана шу ўзгаришларни, инсон омилини ролининг ошиб боришини, даврнинг муҳим воқеа-ҳодисаларини, инсон улуғворлигини бутун мураккаблиги билан бадиий акс эттиради. У ўзининг ана шу хусусияти билан жамият ривожланишига актив таъсир кўрсатади. Бунинг илдизларини—пойдеворини узоқ йиллар маданиятимиз тарихидан, Алишер Навоийдек сиймолар ижодиётидан ахтармоғимиз даркор. Адабиётимизнинг ана шу тарбиявий-ахлоқий аҳамияти ижодкорларимизнинг турли даврларда, бир неча асрлар мобайнида яратилган асарларида кўзга ташланади. Шу маънода инсоний ахлоқ-одоб пойдеворини яратган, донолик, мўътадиллик, поклик, камтарлик, одиллик, саховат, кенглик, бардошлик уруғини ер юзига сочган, кишилар қалбига нур бўлиб кирган Мир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди биз ёшлар учун дастурул амалдир. Чунки боқий умр соҳиби бўлмиш Навоий ҳаёти ва ижоди инсоний ахлоқ намунасидир. Навоийнинг безавол ахлоқий-одобий қуйидаги сатрлари халқимиз руҳига — дилига зиё бағишлаб, теран тафаккуримизни, маънавиятимизни нурафшон этиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади:

Кийиб самур ила киш қилма асру раънолик,
Ипак либос ила тутма ғурур жомм тўла.

Аҳли маънн гуруҳида зинҳор, ҳеч ор айлама гадолиғдин.

Эй Навоий, сўз ила онча гуҳар сочтингким,
Баҳру кон кирди қаро ерга сенинг килкингдин.

Феруза АҲМАДЖОНОВА,
филологня фанлари номзоди, доцент.

БУ БЎСТОН САҲНИДА...

«Ижодида ўз даврининг йирик ижтимоий-сиёсий ва социал муаммоларини кўтариб чиққан улкан фикрли, сеҳрсўз Алишер Навоий бутун прогрессив инсоният учун беҳад қимматлидир. Инсоният унинг тимсолида бахт, озодлик, тенглик, тинчлик ва халқлар дўстлигининг мардонавор курашчисини кўради».

(Алишер Навоийнинг 525 йиллиги юбилейига Жаҳон тинчлик кенгаши табрикномасидан. 1968 йил, 10 октябрь. Хельсинки.)

Нурли сиймо

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Зикир МУҲАММАДЖОН О В ҳикоя қилади:

— Навоий ҳақида фильм яратиш фикри шоир таваллудининг 500 йиллиги арафасида туғилган эди. 1941 йили тайёргарлик қизғин бошлаб юборилди. Ролларга тақсимланди. Аброр Ҳидоятов буюк мутафаккир ролини ўйнаши керак эди. Ҳамза номли театр коллективи сафарга отланадиган бўлди. Москвага қараб йўлга чиққандик, бирдан «уруш бошланди» деган совуқ хабарни етказишди. Ортга қайтдик.

Ниҳоят, 1947 йили «Алишер Навоий» фильми суратга олина бошланди. Бош ролни СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев ижро этди. Бу асар илк бор 1948 йилда томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Атоқли режиссёр Маннон Уйғур саҳнада Навоий образини яратиш ниятида кўп изланди. Ва бир неча йиллик меҳнатлардан сўнг «Навоий» пьесасини муваффақият билан саҳналаштирди. Буюк шоир ролини аввалига Аброр Ҳидоятов (23 марта) ўйнади. Кейинчалик Олим Хўжаев давом эттирди. Олим ака ҳам бу образни юксак маҳорат билан саҳнага олиб чиқди. Минглаб театр мухлислари қалбидан ўрин олди.

Шу спектакль учун 1949 йилда Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Семён Мелишин (рассом), Обид Жалилов, Лутфулла Назруллаев, Сора Эшонтўраева ва Саъдихон Табибуллаевлар СССР Давлат мукофоти лауреати бўлишди.

Бир йил кейин эса шу мукофот кинодаги ишлари учун Комил Ёрматов, Раззоқ Ҳамроев, Асад Исматовга берилди.

1982 йилда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, таниқли режиссёр Мақсуд Юнусов Ойбекнинг «Навоий» романи асосида 9 қисмдан иборат видеофильм яратди. Ушбу кўрсатув жозибаси, улуғ бобомизнинг болаликдан то умрларининг сўнгги йилларигача бўлган даврни акс эттириши билан катта шуҳрат қозонди.

Шубҳа йўққи, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, унинг асарлари асосида ҳали яна кўп фильмлар, саҳна асарлари ва видеофильмлар яратилади.

Ёдномалар

УСТОЗ САЛОҲИЯТИ

1966 ЙИЛНИНГ сўнгги ойлари эди. Мен «Совет Ўзбекистони» газетасининг адабиёт ва санъат бўлимида ишлардим. Бўлим мудири шоира Эътибор Охунова билан янги йил режаларн ҳақида суҳбатлашиб ўтириб, яқинлашиб келаётган Навоий кунларини қандай нишонлаш, буюк адиб таваллуди кунига қандай материаллар бериш борасида фикрлашдик.

Аллома шоиримиз ижод хазинаси ҳақида адабиётшунос олимлар, тадқиқотчилар, публицистлар, ёзувчилар жуда кўп ишларни амалга оширишган, кўп ёзишган. Лекин шундай бир мақола бўлсинки, унда буюк шоирнинг «теша тегмаган» янги фазилат қирраси кашф этилсин. Кимларга мурожаат этиш мумкинлигини мулоҳаза қилдик. Ва..., ниҳоят муаллиф топилди: забардаст шоир, зукко навоийшунос, рўзномамизнинг ҳозиржавоб, жонкуяр камарбастаси Мақсуд Шайхзода бу вазифани уддалайди.

Таклифимиз муҳаррир Мақсуд Қориевга маъқул бўлди. Мен дарҳол топшириқни бажаришга киришдим. Қизил майдондан ўтиб, 9 Январь кўчасидаги «Мутахассислар уйи» томон йўл олдим. 18-уйнинг охирги йўлагидан 4-қаватга чиқиб, тугмачани босдим. Ичкаридан «ҳозир» деган овоз эшитилди. Эшикни Шайх аканинг ўзлари очдилар.

— О, Мирзо Анвар, келсинлар, марҳабо, — дея илиқ кутиб олдилар. Чоққина ижодхонага, китоблар, газета ва кўзёмалар ёйилган стол атрофига ўтирдик.

— Ўзларидан сўрасак, бизга қандай топшириқлар бор? — дедилар устоз тасбеҳ доналарини санагандек ипдан ўтказар эканлар.

Ҳайрон бўлиб тасбеҳга термулиб турганимни кўриб, изоҳ бердилар:

— Ҳа, бу эрмак, асабга даво эмиш.

Сокина кеннойи чой билан сийладилар. Бир пиёла чой устида редакция иштимосини айтдим.

— Отахон газетамизга бир янги гап айтамиз-да энди, — деб розилик бердилар.

Бир неча кун ўтгач, хабар олгани бордим. Эшик анча хаёллаб очилди. Сокина кеннойи машқи паст, нохушроқ қарши олди.

— Анварвой, домлани ҳоли қўйсангиз, тоби йўқ, ичкарида врач кўряпти, — деб мени ичкарига киришимга монелик қилгандек бўлиб турганди, устоз товушимни эшитдилар шекилли:

— Мирзо Анвар бўлса, кираверсин, — дедилар шикаста овозда.

Кеннойи ноилож ичкарига бошлади. Врач муолажаси тугагунча хонада ўтириб турдим. 15—20 дақиқалардан сўнг дўхтир чиқиб кетди. Шайх ака ёнига кирдим. Уйнинг тўридаги диванда чойшабга ўралиб ётардилар.

— Бироз қийналсакда «Совет»нинг буюртмасини бажардик, — ёзув столига ишора қилдилар. 17—18 саҳифа атрофидаги қўлёзмани қўлга оларканман, домла таъкидладилар. — Сиз машинкага бераверинг, тайёр бўлгач, яна бир солиштириб ўқиб чиқамиз.

Ўрнимдан қўзғалаётгандим, домла:

— Мирзо Анвар, қалай сарлавҳа сизга маъқулми? — Жавобни кутиб ўтирмай ўзлари айтиб қолдилар. — «Ғазал мулкининг султони». Навоий янги исм қўйдик-да энди.

— Айни муддао, Алишер Навоий ҳақида бир янги гап айтишингизни биларднк, домла, — устозга шифо тилаб, редакцияга югурдим.

1966 йилнинг 17 декабрь куни мақола терилиб чиқди, шу куни эрталаб чиқадиган газета саҳифаланаётган эди. Мақолани олиб Шайх ака ҳузурига ошиқдим. Домла ётиб қолган эдилар. Икки соатлар чамаси мақолани ўқишдик. Мен ўқидим, домла диққат билан тингладилар. Шеърий жойларини Навоий китобларидан маълум саҳифаларни очиб, «ўқинг» дедилар, қайта-қайта солиштирдик.

— Ҳазрат Навоий ғазалларида хато кетмаслиги керак, — дерди устоз.

Шу зайлда мақолага уч-тўрт қўшимчалар киритдилар. Ниҳоят, Шайх ака мақола остига имзо чекиб, «оқ фотиҳа» бердилар... 1966 йилнинг 18 декабрида мақола газетхонлар қўлига тегди. Мақсуд Шайхзода имзоси билан буюк Алишер Навоийга ҳурмат бажо қилинган «Ғазал мулкининг султони» мақоласи эълон қилинганн ҳамма ёққа шов-шув бўлди ва домла буюк шоирга янги исм қўйиб берди. Хуллас у минглаб ўқувчиларнинг таҳсинига сазовор бўлди. Зукко навоийшунос олим Мақсуд Шайхзода салоҳияти таъсирида кейинчалик матбуот саҳифаларида «Сўз мулкининг султони», «Соз мулкининг султони», «Дил мулкининг султони» каби сарлавҳалар пайдо бўлди. Бу устознинг улуғ шоир истеъдодига таъзим қилишдан далолат эди.

Анвар ЮСУПОВ,
Ўзбекистон телевиденнесининг бўлим мудири, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

ОДАМИЙЛИК — чин инсонга хос фазилат бўлиб, бу — ақл-заковатнинг шеваси, туғма хислат — яхшиликнинг мевасидир. Буюк бобомиз Алишер Навоий инсонни севиб, унинг бахт-саодати учун курашишни ҳаётининг гултожи, юксак орзу-умидларининг ўлмас ғояси деб билди. Шоирнинг «Ҳайрат-ул-аброр» достонидаги мана бу ҳикматона байтни неча асрларки кишилар қалб тубига жо этиб келадилар:

Одамий эрсанг, демагил одамий,
Аники, йўқ халқ ғамидин ғами.

Буни содда иборага олиб айтганда, Навоий: «Чин одампарвар бўлсанг, халқ дард-ғамини емаган одамни одам демагин», — буюк ҳикматини ички рўҳий фарёд билан изҳор қилган. Агар шу мисралар ғоя-мазмунига дунёдаги ҳамма одамлар амал қилса эди, яшаб турган сайёрамиз ягона гулистон бўлур эди.

Зеро, одамийлик замирида яхшилик, мусаффолик, одиллик, меҳр-муҳаббат, вафо-садоқат, оқибат-шафқат, адолату саховат каби хислатлар ётади. Навоий ўзининг ноёб олмос ижоди ва фаолияти давомида шундай ғояларнинг толмас куйчиси бўлди.

Шоир дардли кўнгилга, ғамдан ёшга тўлган кўзга ҳар қалбда меҳр-шафқат уйғотиб, сифатлаш беради.

Дардлиғ кўнгул шуълалиғ чароғ,
Ёшлиғ кўз сулуғ булоғ.

Маъносини чақинг: дардга тўлган кўнгил нур-шуъла сочиб турган чироқ, йиғлаб ёш тўкаётган кўз булоқ-чашма эмиш. Шундай ҳолатда одам чиройли шуъла сочиб турган дардли кўнгилга севинч, ёшли сулув кўзга қувонч бағишлагиси келади.

Инсон ҳеч қачон бировга туҳмату-бўҳтон қилмаслиги, бировга маломат тошини отмаслиги керак. Навоий маъжозий маънода айтади:

Киши ҳанзал* экса ачиғ бар топар,
Ва гар найшакар экса шаккар топар.**

Ҳар бир салоҳиятли одамнинг феъли-атвори яхши бўлиши билан бирга, унинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, қилиғи ҳам чиройли бўлиши керак. Навоий яхши одат-фазилатдан яхшиликка эришиш мумкинлигини айтади:

Ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдин анга яхшилиқ.

Хушфеъл кишиларга яхшилик бахт-саодат келтиради:

Агар яхшилиқ, кимга афъолдур,
Жазоси анинг ганжи иқболдур.

Яхши феъл-атворли одамларда ёмонлик қилиш туйғуси бўлмайди, бундай фазилатли кишилар ёмонларга ҳам яхшиликни раво кўраверадилар. Навоий бу ҳақда ҳам олижаноблик билан қуйидаги ҳикматона байтни айтади:

Яхшидин ёмонлар ҳам ёмонлиқ кўз тутмас,
Яхши ёмонларга ҳам яхшилиқни унутмас.

*. Ҳанзал — аччиқ доривор ўсимлик.

**. Найшакар — шакарқамиш.

Инсон боласи доим бир-бировига яхшилик қилиши, ҳиммат-саховатли бўлиши керак. Борди-ю, яхшилик қилиш қўлидан келмаса-чи? Бундай пайтда нима қилмоқлик ҳақида шоир одилона маслаҳат беради:

«Яхшилиқ қила олмасанг, ёмонлиқ ҳам боре қилма!. Яхшилиғни билмасанг, яхшиларға қўшул; яхшилиқ теграсиға эврула олмасанг, яхшилар теграсиға эврул!»

Буюк Навоий инсонни турли иллатлардан фориғ, тоза, виждонли бўлишини, меҳнат ва заковати, фаолият ва интилиши билан ўзини ҳамда ўзгаларнинг бахт-саодатини ўйлайдиган комил инсонни орзу қилди. Шоир эл-улусга ҳам жон, ҳам дармон бўлишни илтижо этади:

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига моя-йи дармон бўлғил.

Одамларга яхшилик, одиллик, сахийлик, меҳр-муҳаббат, караму мурувват қилмоқ ва шу йўсин яхши ном қолдиришни Навоий «ажаб саодат» деб баҳолади.

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилиқ била от.

Дунёнинг роҳати — яхшилик, умрнинг фароғати — яхши ном қолдириш экан, бобомиз Навоийнинг дуру гавҳардан қимматсўзлари дилимиз тўрида сақланади.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

Мусиқа жавони

ЯҚИНДА Ўзбекистон Композиторлар уюшмасида ҳазрат Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйи муносабати билан дастлабки Навоийхонлик бўлиб ўтди.

Кечани санъатшунослик номзоди Отаназар Матёқубов кириш сўзи билан очди. Сўнгра бастакор Мутал Бурхоновнинг «Навоийга қасида» асари янгради. Шундан сўнг жумҳурият Композиторлар уюшмаси бошқарувининг раиси Аҳмад Жабборов шоир Абдулла Орипов шеъри асосида Алишер Навоийнинг 525 йиллик тўйи муносабати билан дунёга келган ана шу қасиданинг яратилиш жараёни ва мазмуни ҳақида сўзлаб берди.

Шунингдек, кечада М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг мақомчилар ансамбли ижрочилари Навоий ғазалларидан қўшиқлар ижро этишди.

Ҳасан ИБРОҲИМОВ.

СИРЛИ ОЛАМ



БУ даргоҳга ҳар гал қадам ранжида қилганимда, қалбимни аллақандай ҳисҳаяжон чулғаб олади: гўё улкан хазина олдидан чиқиб қолгандек. Аслида ҳам шундай, бу жой ақл-закотнинг нодир жавоҳирлари тўпланган маскан. Қутлуғ даргоҳ у!

Шу жавоҳирлар ичида энг улкани борки, у асрлар ўтгани сайин тобора тиниқлашиб, тараташётган нури ёрқинлашаверади. Унинг нури ҳеч қачон тугамайди. У ўзбек аталмиш халқнинг бошидаги тожи, қалбидаги ғурури, жаҳонга танитган бобокалони. У ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси.

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёти музейига ҳар келганимда нимадир оламан. Ўзимча янги бир сирли оламни кашф этгандек бўламан. Ва анча вақтгача ўшанинг таъсирида юраман. Мана бугун ҳам шу қутлуғ даргоҳга ташриф буюрдим. Кўргазма залларида салобатли сокинлик ҳукм суради. Келувчилар ҳам жимгина хотираларни кўздан кечиришади.

Бобомиз ўтган жойлар белгиланган харитага тикиларман. Шаҳарларни саноқчи бўламану, адашаман. Бу йўллар қанчалар машаққатлар эвазига босиб ўтилганини ўйлайман. Ана, бобомизнинг болалик йиллари тасвирланган расм: Ҳусайн Бойқаро билан мактабда билим олишмоқда. Жажжи Алишернинг кўзлари суҳбатдошига маъноли боқади. Ана бобомизнинг табаррук қўллари билан битилган девонлар, достонлар. Беихтиёр «Муножот» қўшиғини, унинг маҳзун куйини эслайман. Уни бутун вужуди билан берилиб тингламаган, таъсирланмаган ўзбек борми дунёда?

Улуғ шоирнинг асарларидан намуналар ўқийман:

Мен улменки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур.
Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қодире.
Не назми дер эрсам мени дарднок,
Ки, ҳар лафзи бўлғай анинг дурри пок.

Ҳа, бобомиз туркий тилда ҳам ғоят баракали ижод қилдилар. Унинг гўзаллигини, ширалигини исботлаб бердилар. Ўзбек тили ва адабиётига асос солдилар ва ўзбек шоирларини шу тилда ижод қилишга даъват этдилар. Минглаб шукроналар бўлсинким, бобомиз руҳи бизни қўллади, она тилимизга давлат тили мақоми берилди.

— Бу ерга жуда кўп келаман, — дейди самарқандлик муаллим Қ. Бомирзаев. — Шу ерни зиёрат қилмай Тошкентдан қайтмайман. Бир томондан ўқитувчилик фаолиятимга ёрдам берса, иккинчидан, шундай ота-боболаримиз ўтганидан фахрланаман, улар билан хаёлан суҳбатлашаман. «Умрни зое этма меҳнат қил, меҳнатни саодатнинг калиди бил», деган ўгитларини доим ёдимда сақлайман...

Суратга кўчган сиймолар: тарих зарварақларидан ўрин олган битиклар. Уларнинг ҳар бири биз учун азиз, муқаддас. Улар беш аср наридаги воқеаларни унсиз ҳикоя қилади. Дарвоқе, улуғ шоир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги нишонланадиган кунларга ҳам оз қолибди. Ҳозир шунга қизғин тайёргарлик бошлаб юборилганини ўйлайман. Музей ҳам, албатта бундан мустасно эмас.

— Еттинчи февралдан бизда Навоийхонлик кунлари бошланди: — Бинонинг ташқариси ремонтдан чиқарилади, — дейди музей мудираси Аниса Абдураҳимова. — Кираверишда эса улуғ шоирнинг бўй баравар ҳайкали ўрнатилади. Айрим кўргазма залларини ҳам ремонт қилиш мўлжалланган. Музейимиздаги Навоий лирикасига бағишланган кўргазма кенгайтирилади. «Хамса»га бағишланган алоҳида хона бор. Унда ҳар бир достонга атаб биттадан панно ўрнатилади.

Музейимиз ходимлари бир ой мобайнида мактаблар ва ўқув юртларида Навоийхонлик кечаларини ташкил этишда фаол иштирок этишади. Кўчма кўргазмалар олиб боришади ва маърузалар уюштиришади. Хуллас, анчагина ишларни режалаштириб қўйганмиз...

Рухим енгиллашиб ташқарига чиқдим.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.



⊙ ЧИНИҚИШ. Москвадаги «Соғлом оила» клубининг аъзолари фарзандларини чақалоқликдан муздек сувда чиниқтиришмоқда.

В. Ягин (ТАСС) сурати.

«01» хабар қилади

ЁНҒИН САБАБИ НИМАДА?

Шу йилнинг 20 январида шаҳримиздаги Фрунзе районининг 3-«а» Салор кўчасидаги 278-уйда содир бўлган ёнғин оқибатида уй эгаси А. Погребневнинг 4 ёшли Алиса, 2 ёшли Иван ва 5 ойли Алёна исмли фарзандлари нобуд бўлди. Бу нохуш ҳодиса фақат ўт ўчириш қатнашчилари, қўни-қўшниларни, балки кўпгина шаҳримиз аҳолисини ҳам ўйлантириб қўйди. Хўш, нега ёнғин содир бўлди? Нега гуноҳсиз гўдаклар нобуд бўлди?

Болаларнинг ўлими ҳамда ёнғиннинг келиб чиқиш сабабларини текшириш шуни кўрсатдики, болалар ёлғиз қолганларида электр тармоғига уланган, ёнғин хавфсизлиги қоидасига хилоф равишда қурилган электр иситгич асбоб-ускуналари атрофида ўйнаб, ўйинчоқларини ўша ерда қолдириб, ўзлари ухлаганлар. Вақт ўтиши билан юқори ҳарорат туфайли иситгич асбоби ёнида қолган ўйинчоқлар ёниши натижасида ажралиб чиққан заҳарли тутун ва газ ухлаб ётган болалар ўлимига сабаб бўлган.

— Ахир болаларни ёлғиз қолдирмай, ясама иситгич асбобларидан фойдаланмаслик мумкин эди-ку? — деб берган саволимизга уй эгасининг аччиқ фарёди эшитилди, холос. Ҳа, ота-она учун кўзининг оқу қораси, бутун борлиғи бўлмиш жигарбандларининг ўлимини кўришдан оғир ғам бўлмаса керак бу дунёда!

Афсуски, инсон қалбини ларзага солувчи бу машъум ҳодиса ягона эмас. Фақат шу йилнинг январь ойида ёнғинлар оқибатида 5 киши ҳалок бўлиб, 10 киши жароҳатланган. Мана, яна бир мисол. 26 январь куни Сергели районида «Развития» кооперативи томонидан тикланаётган озиқ-овқат магазини қурилиши майдонида жойлаштирилган ишчилар вагончасида бўлган ёнғин оқибатида вагонча зарарланган. Ўт ўчириш вақтида вагонча ичидан тутун ва заҳарли газ исидан заҳарланган қурилиш ишчиси С. Иброҳимовнинг мурдаси топилди. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, С. Иброҳимов маст ҳолда вагонча ичида ётиб чеккан ва у ташлаган сигарета чўғидан ёнғин келиб чиққан.

Агар йил бошидан бери юз берган 157 ёнғиннинг келиб чиқишини таҳлил қиладиган бўлсак, ёнғин чиқишининг асосий сабаблари болаларнинг гугурт билан ўйнаши, иситгич асбобларини нотўғри ишлатиш, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ва баъзибир ҳамшаҳарларимизнинг ётоқ жойларида маст ҳолда сигарет чекишлари сабаб бўлган.

Ҳ. АЛОВИДДИНОВ,
Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Бу—қизиқ

ҚЎНҒИРОҚЛАР ТАРИХИДАН

ҚЎНҒИРОҚЛАР тарихи бизнинг эрамиздан олдин бошланган. Олимларнинг аниқлашига қараганда Ассирия қўнғироғи 2500 ёшда. Дажла ва Фрот соҳилларидан топилган қўнғироқларнинг овози эрамиздан олдин, XI асрларда жаранглаган. Ёзма тарихий манбалар қадимги Хитой, Бирма, Ҳиндистон ва Япония қўнғироқлари бўлардан ҳам анча илгари пайдо бўлганидан далолат беради.

IV ва VI асрларгача Европада қўнғироқлар овоз ва мусиқа сифатида, шу даврдан бошлаб эса жангда ғолиб келган аскарларни табриклаш, иш бошлаш вақтини маълум қилиш, мажлисларга одамларни чақириш, аскарларни тўплаш, шаҳар атрофида йўлдан адашганларга далда бериш ёки хатардан воқиф қилиш ва бошқа мақсадлар учун ҳам қўлланилиб келиняпти.

Ҳали соат оммалашмаган даврда қўнғироқлар турли касбдаги кишилар учун вақт вазифасини бажарган. Туринда эрталаб «Нон қўнғироғи» чалиниб, уй бекаларига хамир тайёрлашга киришиш вақти етганини эслатган. Римда ва Боннда «Озодалик қўнғироғи» ёрдами билан шаҳарни тозалаш учун ҳамшаҳарлар тўпланганлар. «Ишчи қўнғироғи» савдо дўконлари ва ҳунармандчилик ишхоналарини очиш ва ёпиш вақти келганлигини билдириб турган. Қадим Гданьда махсус қўнғироқлар чалинганига қадар вино ичиш уят ҳисобланар эди, майхоналар улар чалингандан кейин очилган.

Россияда қўнғироқларга, улар черков таомилига хизмат қила бошлагач, яъни IX асрдан бошлаб эътибор берилди. Дастлаб 35, 50 тонна ва ундан ҳам кўп оғирликдаги қўнғироқлар ясалиб, минораларга ўрнатилган. Улар орқали диндорлар чақирилган. Шундай қўнғироқлар орасида жаҳонда энг улкан «Шоҳ қўнғироқ» Москва Кремли территориясида яратилган. Унинг оғирлиги 205 тонна, баландлиги 6 метр-у, 14 сантиметр. Лекин улкан қўнғироқ овози узоққа бормади. 3 йил жаранглаб тургач, 1737 йилдаги катта ёнғин натижасида 2,5 тонна оғирликдаги парчаси синиб, ажралиб тушган ва Кремль ҳовлисида ётган. Тахминан 100 йилдан кейин шу қисми «Иван великий» қўнғироқхонаси яқинидаги махсус супага ўрнатилган. Ҳозир жаҳоннинг турли жойларидан Москвага ташриф буюрган сайёҳлар учун энг ажойиб кўргазмалардан бири ҳисобланади.

Рус тилидан
Ҳикмат СОБИРОВ
таржимаси.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
А. А. ХЎЖАЕВ НОМЛИ 12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
Тошкент шаҳри мактаб ўқувчилари ва йигит-қизларни

1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Билим юрти Тошкент қурилишларида ишлаш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: бўёқчи-сувақчи-кошинкор, бадиий безак бўйича сувақчи, ғишт терувчи — пўлат ва темир бетонли қурилмалар йиғувчи (монтажчи), **дурадгор — паркетчи-ойнасоз, электр газ пайвандчи-ҳайдовчи, кошинкор-плиткачи-мозаикачи, слесарь-сантехник** (ўқиш муддати 6 ой, 1 йил, 2 йил), **бетончи-қолипчи** (ўқиш муддати 5 ой).

Ўқиш давомида талабалар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва ҳунар ўрганганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик (разряди) даражаси берилади.

Ишлаб чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида меҳнат ҳақининг 50 фоизи тўланади.

5—6 ойлик группаларда ўқиш учун 10 синф ҳажмида маълумотлилар ҳамда Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтганлар қабул қилинади. Уларга ҳар ойда 66 сўм стипендия тўланади.

Билим юртида ўқиш узлуксиз иш стажига киради. Талабалар учун ҳаваскорлик тўгараклари ва фан тўгараклари, 13 хил спорт секциялари ишлаб турибди.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишни имтиёзли диплом билан тугаллаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, таржимаи ҳол, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, мактабдан характеристика, яшаш жойидан справка, 236-формадаги медицина справкаси, 6 дона 3х4 см. катталикдаги фотосурат.

Бизнинг адрес: 700131, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, 26-квартал, 1-уй (3, 187-автобусларнинг 12-квартал, 4, 9, 17-трамвайларнинг «30-поликлиника» бекатлари»).

Телефонлар: 76-27-56, 76-36-58.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
Ўзбекистон ССР Халқ таълими Бош бошқармаси
41-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА
1990-91 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«ВС» категориядаги ҳайдовчи ҳуқуқини олиш билан бирга автокранчи, енгил автомобиллар ремонти бўйича автослесарлар, бульдозер, скрепер, грейдер машинисти, сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, слесарь-сантехник, ғишт терувчи.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 8-10 синф маълумотига эга бўлган ёшлар қабул қилинади.
Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида слесарь-сантехник, ғишт терувчи ихтисосликлари бўйича таълим олаётган ўқувчиларга (ўқиш муддати — 1 йил) стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ҳамма ўқувчиларга ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи берилади.

3 йил муддат билан таълим олаётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Билим юртини тамомлаганлар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ва бошқа база корхоналарига ишга юборилади лар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Таълим даврида алоҳида ўзини кўрсатган ўқувчилар имтиёзли шартлар билан техника олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЛОЗИМ: директор номига ариза, аттестат ёки 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, медицина справкаси, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (4х5 см).

Бизнинг адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48, 97-автобуслар. 10-троллейбус; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).

Телефон: 41-38-22.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

«СОВПЛАСТИТАЛ» Совет-Италия қўшма корхонаси ҳузуридаги

42-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990 йил учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти «Пластмасса қуювчи» ихтисоси бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаб чиқаради.
ЎҚИШ МУДДАТИ — 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН — 6 ОЙ.

Ўқишга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган, Тошкент шаҳрида прописка турувчи 25 ёшгача бўлган ёшлар қабул қилинади.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини тамомлаганлар «ПЛАСТМАССА ҚУЮВЧИ» касби бўйича диплом оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Таълим даврида ўқувчилар ойига (дастлабки икки ой мобайнида) 99 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида (ўқишнинг қолган тўрт ойи мобайнида) ўқувчиларга стипендияга қўшимча равишда ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар келгусида ишни давом эттириш учун «Совпластитал» Совет—Италия қўшма корхонасига юборилади лар.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ соат 9 дан БОШЛАБ 16.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: паспорт, маълумот ҳақидаги аттестат, саломатлик ҳақида справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Киров райони, Жаҳон Обидова кўчаси, 70-уй (8, 9, 60, 51, 72, 67, 91, 92, 156, 165-автобуслар; 2, 16, 22, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефонлар: 34-57-13, 34-37-12.

«УЗБЕКЭЛЕКТРОМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
47-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

пайвандчи ихтисоси бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ҚАЙТГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.
Ўқувчиларга ойига 30 сўмдан стипендия тўланади.
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчилар қабул қилинади.
МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: 700012, Тошкент шаҳри, Сергели — 2, 64-а уй (40, 58, 75, 98, 99, 104-автобуслар, 19-троллейбуснинг «Сергели савдо маркази» бекати).

«ПРОФЕССОРЛАР КООПЕРАТИВИ»

ДАВОЛАШ ВА КОНСУЛЬТАЦИЯ СОҲАСИДА ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА.

КООПЕРАТИВДА ТОШКЕНТ ТАБОБАТ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЕТАКЧИ ОЛИМЛАРИ ИШЛАШАДИ.

Болалар ва катта ёшдаги беморларга ошқозон-ичак, жигар касалликлари, урология, нефрология, кардиология, невропатология, психиатрия, педиатрия, кўз касалликлари (иридодиагностика билан), ЛОР, тери касалликлари, травматология ва ортопедия ва ҳоказо соҳалар бўйича ёрдам кўрсатилади. Қабул учун махсус йўлланмалар зарур эмас.

Профессорлар асосий иш вақтларидан бўш соатларида, ҳафтанинг маълум кунларида қабул қилишади.

Қабул тартиби ҳақидаги маълумотларни 33-82-73 телефони орқали соат 13.00 дан олишингиз мумкин. Дам олиш куни — якшанба.

Бизнинг адрес: Тошкент, ГСП, Свердлов кўчаси, 1-ўтар кўча, 24 «а» уй. Кооператив Тельман номли маданият ва истироҳат боғининг орқасида жойлашган. Метронинг «Ҳамид Олимжон» станцияси.

«Профессорлар кооперативи».

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Узхозторг»нинг Тошкент областлараро улгуржи базасида етарли миқдорда қуйидаги моллар бор:

Эшикка жилд қоплаш учун михлар (манзарали, бош қисми пластмассали — бир қутида 80 дона, баҳоси 56 тийин), 100 донасининг баҳоси 1 сўм 65 тийиндан михлар, гилам осиш учун металл ҳалқалар (донаси 6 тийиндан), кекс пиширш учун қолиплар (21 тийиндан), очқич-пўкак (50 тийиндан), пиширқлар учун қолиплар (4 сўмдан), ёнғоқ чақиладиган мослама (80 тийиндан), лобзиклар учун арралар (50 тийиндан).

Мурожаат қилиш учун телефон — 98-37-94.

«УЗҲОЗТОРГ»нинг Тошкент областлараро улгуржи базаси.

РЕМОНТ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...

«ТАШЖИЛРЕМОНТ» ТРЕСТИНИНГ
1-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

БОШҚАРМА АҲОЛИНИНГ МАБЛАҒЛАРИ ЭВАЗИГА КВАРТИРАЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛАДИ: девор ва шифтларни оқлайди, гулқоғоз ёпиштиради, эшик, дераза ва полларни мойли бўёқ билан бўяйди, девор ва полларга кошин қоплайди, паркет пол ётқизиб, сайқал беради, лок билан қоплайди, турли шаклдаги металл эшикларни тайёрлайди ва ўрнатиб беради, иссиқлик системаларини, иссиқ ва совуқ сув ўтказгичларини, радиаторларни алмаштиради, янгилайди.

Чорбоғ уйлар қурилиши учун шлакли блокларни тайёрлаб беради.

Доимий ишга малакали ишчилар таклиф қилинади. Уларга ишбай ҳақ тўланади.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинг:
Куйбишев, Октябрь, Фрунзе районларидан:

1-Пушкин ўтар кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 33-10-53, 33-06-22.

Киров, Собир Раҳимов районларидан:

Юнусобод, 6-квартал, 14-уй. Телефон 24-64-72.

Чилонзор, Акмал Икромов, Сергели районларидан:

Чилонзор массиви, 11-квартал, 36-уй. Телефон 76-14-47.

Иссиқлик системаларини алмаштириш, металл эшикларни, шлакли блокларни тайёрлаш масалалари юзасидан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: 67-55-73, 33-10-53, 33-06-22.

«ТАШЖИЛРЕМОНТ» трестининг 1-қурилиш бошқармаси.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ИНТЕРПРОГРЕСС

ЕТАКЧИ ИҚТИСОДЧИЛАР — МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШ ҲАҚИДА «Интерпрогресс» Совет — Швеция—Польша ҳамкорлик корхонасининг

ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

илмий ташкилотларнинг раҳбарлари ва иқтисодчиларини

«ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШ» мавзусида ўтказиладиган семинар ишида иштирок этишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Семинар кенг маълум бўлган «Интерпрогресс» доирасида илм-фан кишилари учун ўтказилади. Бу гал Сизларни СССР меҳнат давлат комитетининг етакчи мутахассислари билан учрашув кутади.

Программада: иқтисодий реформанинг аҳволи ҳақидаги оператив ахборотлар комплекси, Сизларни тўлқинлантираётган муаммолар бўйича мунозаралар, Сизларнинг савол ларингизга жавоблар, фирманинг нормалаш ҳужжатлари тўпламларини ва оригинал материалларини тарқатиш.

Семинар 1990 йил 13 февралда эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитетининг Мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Учрашув адреси: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй. Учрашувда қатнашиш учун «Ташобжилсоцбанк» оператив бошқармасидаги бизнинг филиалимиз ҳисобланган 002609402-счётга 75 сўм пул ўтказиш лозим. Пул тўланганлик ҳақидаги тўлов қоғози сиз учун учрашувга кириш билети бўлиб хизмат қилади.

Абонемент эгалари учун кириш эркин.

Маълумотлар учун телефон — 96-90-30.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК
КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

8/II да — ЗЕБУННИСО.
9/II да — КОРСАР.
10/II да — КАРМЕН.
11/II да — КАППЕЛИЯ (12.00), **СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ** (19.00).
13/II да — ПЕТР БИРИНЧИ.
14/II да — ОҚҚУШ ҚУЛИ.
15/II да — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
16/II да — СЕВГИГА СЕВГИ БИЛАН.
17/II да — ОТЕЛЛО.
18/II да — ЭТИК КИЙГАН МУШУК (12.00), **УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ** (19.00).
20/II да — ДОН КАРЛОС.
21/II да — ЖИЗЕЛЬ.
22/II да — БЎРОН.
23/II да — ҚЎЁШГА ТАЪЗИМ ҚИЛ.
24/II да — ОЛОВЛИ ФАРИШТА.
25/II да — ЧИПОЛИНО (12.00), **РИГОЛЕТТО** (19.00).
27/II да — МАЙСАРАНИНГ ИШИ.
28/II да — ДОН КИХОТ.

Билетлар театр кассасида соат 10 дан 20.00 гача сотилади, танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.
Маълумотлар учун телефон 33-90-81.

Ўзбекистон Маданият фонди

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР
ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
26—27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

«ГЎЗАЛЛАРГА МЕН ҲАМ ШАЙДОМАН» ҚЎШИҚ ВА КУЛГИ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

— «КАМОЛОТ-89» жумҳурият конкурсининг совриндори

МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ

«ТОШКЕНТ ҲАЛИКАСИ» конкурсининг ғолиби

НАРГИЗА ОЛИМОВА

— «ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият конкурсининг совриндори —

СИЗ СЕВГАН СЎЗ УСТАЛАРИ

_____ _____

_____ _____

ва

_____ _____

_____ _____

КИМЛИГИНИ ЎЗИНГИЗ ТОПИНГ.

«КАМОЛОТ-89» ва «ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият конкурсининг рамзий иштирокчиси
ДОСТОН УБАЙДУЛЛАЕВ
ПРОГРАММАНИ Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Гулчеҳра ва Лутфулла САЪДУЛЛАЕВлар олиб борадилар.
САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Кечадан тушган маблағни иштирокчиларнинг Ўзбекистон Маданият фондига тортиқлари деб билурсиз.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 45-93-63, 39-42-68.

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилмоқда.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

13, 14, 15, 16 февраль соат 19.30 да

«ОЛАМНИ САҚЛАНГ, ДЎСТЛАР»
ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артисти
НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА
Солистлар: РОЗА ҚУЛДОШЕВА **ва** ДАДАХОН ҒАНИЕВ.
Концертни сўз устаси МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.
Билетлар соат 11.00 дан сотилмоқда.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/II да **Зебуннисо**, 9/II да **Корсар**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/II да **Пуч**, 9/II да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/II да **Аршин мол олон**, 9/II да **Ана-ука совчилар**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/II да **Сўнаётган юлдузлар**, 9/II да **Знёфат**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ПОЛЬШАНИНГ «ВАРШАВА» ЦИРКИ ВА СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.00)

КИНО

8 ФЕВРАЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИЧИК ГУВОҲ» (16, 18.30, 20.45 — катта зал, 15, 19.30 — кичик зал).

Чайна — «Ёлланган полициячи» (тоқ соатларда, 20.45).

Восток—«СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (16, 18.30, 20.45).

Москва — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (19.20, 21.00), **«КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА»** (17).

Дружба — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (жуфт ва тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НЕ БУЛГАНДА ҲАМ СЕНГА ҲЕЧ НАРСА АЙТМАЙМАН» (тоқ соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «НЕ БУЛГАНДА ҲАМ СЕНГА ҲЕЧ НАРСА АЙТМАЙМАН» (жуфт соатларда).

9 ФЕВРАЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИЧИК ГУВОҲ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45 — катта зал, 12, 14.30, 17, 19.30 — кичик зал).

Чайна — «МАШЪУМ ЖАР ЁҚАСИДА» (тоқ соатларда, 20.45).

Восток—«СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (11, 15.20, 19.20, 21.00), **«КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА»** (13, 17).

Дружба — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (жуфт ва тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НЕ БУЛГАНДА ҲАМ СЕНГА ҲЕЧ НАРСА АЙТМАЙМАН» (тоқ соатларда).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 00166.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.